

## **“Сув хўжалиги менежменти” фанидан маъruzani ўқитиш технологияси**

### **10-Мавзу: СУВ ХЎЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ САМАРАДОРЛИГИ**

#### **1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси**

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 34-36 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1. Самарадорлик – иқтисодий категория сифатида.</p> <p>2. Иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлик тушунчалари.</p> <p>3. Сув хўжалигида менежментнинг самарадорлик мезонлари.</p> <p>4. Сув хўжалигида менежментнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш.</p> <p>5. Сув хўжалиги ташкилотларида раҳбар ходимларнинг бошқариш самарадорлигини ошириш тадбирлари</p>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Сув хўжалигида менежмент самарадорлиги тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.</p>	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Самарадорлик – иқтисодий категория сифатида изоҳлайди;</li> <li>- Иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлик тушунчаларини тушунтириш;</li> <li>- Сув хўжалигида менежментнинг самарадорлик мезонларини тушунтириш;</li> <li>- Сув хўжалигида менежментнинг иқтисодий самарадорлигини оширишни айтиб бера олади;</li> <li>- Сув хўжалигида менежментнинг иқтисодий самарадорлигини оширишни айтиб бера олади;</li> <li>- Сув хўжалиги ташкилотларида раҳбар ходимларнинг бошқариш самарадорлигини ошириш тадбирларини айтиб бера олади;</li> </ul>
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, маркер, скотч, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоавий ишлаш. Гурухлар билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

### Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. (10- мин.)	<p>1.1. Ўтган дарсда “Сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш” мавзусини вазифа қилиб берилганин эълон қиласди.</p> <p>Мавзуни ўрганишда “Инсерт усули” дан фойдаланиб, матнни қуидаги белгилар билан белгилаб чиқиш кераклигини эслатади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.</li> <li>(+) – янги маълумот.</li> <li>(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур. (1-илова).</li> </ul> <p>Талаба билган нарсани тасдиқлайди, унга нима янги маълумот эканлигини сўрайди.</p>	<p>Эшитади, тайёргарлик кўради.</p> <p>Талабалар топшириқ бўйича ўз фикрларини айтадилар.</p>
2-босқич. (20 мин.)	<p>2.1. Мавзу бўйича талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида саволлар беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Бошқарув меҳнати ва унинг мазмунини тушунтириб беринг?</li> <li>-Бошқарув меҳнатини ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?</li> <li>-Меҳнатни раббатлантиришни такомиллаштириш йўллари нимадан иборат?</li> <li>- Рахбар ходимларнинг бошқарув меҳнатини баҳолаш деганда нимани тушунасиз?</li> <li>- Сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув меҳнатини оқилона ташкил этишининг асосий йўналишлари нимадан иборат?</li> </ul>	Саволларга жавоб берадилар
3-босқич. (40 мин.)	<p>3.1. 10-мавзуни эълон қиласди.</p> <p>Режаларини ёздиради.</p> <p>3.2. Ҳар бир режа бўйича тушунча берилади (2-5 иловалар).</p>	<p>Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>Тинглайди, ёзиб олади.</p>
4-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>4.1 Мазкур мавзу буйича умумий хулоса қиласди ва мустақил ишлаш учун саволлар беради (6-7 иловалар)</p> <p>4.2. Уйга вазифа қилиб Сув хўжалигига менежмент самарадорлигини аниқлаб беришни эълон қиласди.</p> <p>4.3. Қоидаларини тушунтириб ўтади</p>	<p>Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олади.</p>

# «Сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш»

мавзусини ўрганишда

1-илова

## “Инсерт усули” дан фойдаланиш

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлади.  
(+) – янги маълумот.  
(-) – мен билган нарсага зид.  
(?) – менинг ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Молиялаштириш				
Сув хўжалигини молиялаштириш				
Иктисолий самарадорлик				
ижтимоий самарадорлик				
Ишлаб чиқаришни молиялаштириш				
бошқарувнинг тезкорлиги				
бошқарув тизими мақбуллиги				
Сув хўжалиги ташкилотлари				

2-илова

**Самара** – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир.

**Самарадорлик** пировард натижани, сарфланган ресурслар самарасини акс эттиради. Бунда олинган натижалар максималлаштиришга, сарфлар эса минималлаштиришга интилади. Қилинган сарфлар ҳисобида маҳсулот қанча кўп олинган бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Эришилган натижаларнинг (Р) сарфларига (З) нисбати бўлган самарадорлик даражаси (Э) максимумга интилади.

$$Э = P/Z \text{-максимум}$$

**Самара** мелиорация тизими ерлар ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш йўналишидаги қишлоқ хўжалиги фондлари билан таъминлашга бир йўла сарфлар жами харжатига кўра аниқланади.

### **3-илова**

Иктиносидий самарадорлик коэффициенти (Екчд) ўзини-ўзи қоплаш муддатига тескари миқдор бўлиб, йиллик соф фойданинг (Дч) капитал қўйилмаларга нисбати билан аниқланади.

$$Екчд = \frac{Ц - С}{К} = \frac{Дч}{К}$$

Иктиносидий самарадорлик коэффициенти бир йилги соф фойда ҳисобига бир йўла сарфларнинг қайси қисми қайтиб келишини ( $Дч=ЕК$ ) ёки капитал қўйилмаларнинг бир сўмига соф фойданинг қанчаси тўғри келишини кўрсатади.

### **4-илова**

**Корхоналарда бошқарув фаолияти натижавийлиги, аввало,  
бошқарувнинг сифат жиҳатларини акс эттирувчи, самарадорлик  
мезонлари ёрдамида баъланади.**

Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- бошқарувнинг тезкорлиги – қарорларни ўз вақтида тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек тескари алоқадорлик механизмларини яхши йўлга қўйиш;
- бошқарув тизимининг ишончлилиги ахборотни ҳаќқонийлиги ва ўз вақтида тақдим этилиши, иш услуги ва қоидаларини илмий техник тараққиётнинг замонавий даражасига мувоффиқлиги, ходимларни тайёргарлик даражаси, иш стажи ва барқарорлиги;
- бажарилаётган вазифалар сифати, техника воситалари билан таъминланганлиги;
- бошқарув тизими маќбуллиги – қарорларни қабул қилишда маќбул услугларни қўллаш даражаси, поғонавийликка (иерархия) асосланганлиги, шунингдек муайян шароитларда бошқарувни марказлашганлиги ва марказлашмаганлиги, бошқарув меъёрлари ва ҳокозолардир.

Сув хўжалиги ташкилотларида раҳбар ходимларнинг **бошқариш самарадорлигини** ошириш учун ташкилот раҳбарларини замонавий билимлар асосида мунтазам малакасини ошириб бориш, хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланиш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникация воситаларини бошқарув тизимиға кенг жорий этиш, бошқарувнинг замонавий, илғор технологияларини жорий этиш, илмий-тадқиқот ва инновацияларни жорий этиш ишларини жадаллаштириш, одимларнинг ваколатига мувофиқ вазифа ва топшириклиарни тўғри ва одилона тақсимлаш, ортиқча вазифалар ва юкламаларни ўз зиммасига олмаслик, ўз имконияти ва бажара олиши мумкин бўлган доирасидаги ишларни бажариш, ўз меҳнатининг сифати учун ҳар бир ходимга маъсулиятни ва жавобгарликни тўлиқ юклаш лозим.

## Хулоса

Самарадорлик ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.


Юқорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, самара ва самарадорлик қотиб қолган категориялар қаторига кирмайди ҳамда фақатгина пул кўринишида ўлчанмайди. Самарадорлик ва сифатли меҳнат туфайли корхона биринчидан, ўзининг иқтисодий барқарорлиги ва бозордаги рақобатчиликка бардош беришини таъминлайди, иккинчидан, ўз имиджини яхшилайди ва ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди, учинчидан, ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аћволини яхшилайди. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлларини қидириш, харажат ва натижаларни тўғри солиштириш, мулкчилик шакли, қайси тармоқка тегишлилиги, ҳудудий жойлашиши ва фаолият туридан қатъий назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади.

## Назорат саволларига жавоб беринг.

1. Самара нима?
2. Самарадорлик нима?
3. Бошқарув самарадорлиги деганда нима тушунилади?
4. Бошқарув самарадорлиги нималарга боғлиқ?
5. Бошқарув самарадорлигининг қандай турлари Сизга маълум?
6. Бошқарув самарадорлигининг мезонлари нималардан иборат?
7. Иқтисодий ва ижтиомий самарадорлик нима?
8. Иқтисодий самарадорликнинг ҳисоблашнинг қандай усулларини биласиз?
9. Бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини қайси кўрсаткичлар аниқлайди?
10. Раҳбар ходимларнинг бошқариш самарадорлигини қандай ошириш мумкин?

**1-Топшириқ. Иқтисодий ва ижтиомий самарадорликнинг бир-бирига боғлиқлик хусусиятларини аниқланг?**

### 1. ВЕННА ДИАГРАММАСИ



## Т – жадвал


### Иқтисодий ва ижтимоий самарадорликнинг афзалликлари ва камчиликлари

АФЗАЛЛИКЛАРИ	КАМЧИЛИКЛАРИ
?	?

**2-Тошириқ: Раҳбар ходимларнинг бошқариш самарадорлигини оширишда вужудга келадиган муаммолар.**

### “Балиқ скелети” техникаси

**Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.**



**3-Топшириқ: Бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини қайси кўрсаткичлар аниқлайди? Сизнинг фикрингиз?**

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

<b>Савол</b>	Бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини қайси кўрсаткичлар аниқлайди? Сизнинг фикрингиз?
<b>(Φ)-Фикрингизни баён этинг</b>	
<b>(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг</b>	
<b>(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг</b>	
<b>(У)-Фикрингизни умумаштиринг</b>	

**ФСМУ технологияси қоидаси.**

Ушбу технология мунозаралари масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-муносабатларини ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади. Тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор фикрларини баён этишга ёрдам беради.